



"ТАСДИКЛАЙМАН" Поп туман

Халқ таълим бўлими мудир

А.Хусаинов

2022 йил

Поп тумани халқ таълими бўлимига қарашли
умумтаълим мактабларига 2022-2023-йиларида
куз-қиш мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир
брикет маҳсулотларини транспортда ташиб бериш
хизмати учун ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Поп туман Халқ таълим бўлими

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Бажариладиган хизматлар тури	Миқдори
1	Поп тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларига 2022-2023-йиларида куз-қиш мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет махсулотларини транспортда ташиб бериш	1

1.2. Танлов климата 227 718 000 (Икки юз йигирма етти миллион етти юз ўн саккиз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортик, қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик, танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Поп тумани Халқ таълим бўлими "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Поп шаҳар Истиклол кўчаси № 6-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоралик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;,-ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қом. бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ


- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «БҮЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм, «БҮЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳраб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
- фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.



"Тасдиқлайман" Поп туман Халқ таълим бўлими мудир
А.Хусаинов.

Август 2022 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИК

{техническое задание}

Поп тумани халқ таълими бўлимига қаршли
умумтаълим мактабларига 2022-2023-йиларида куз-қиш
мавсумига олинадиган кўмир ва кўмир брикет
махсулотларини транспортда ташиб бериш
БЮРТМАЧИ: Поп туман Халқ таълим бўлими

Поп тумани-2022

Поп тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларига 2022-2023-йиларида куз-қиш мавсумига олинadиган кўмир ва кўмир брикет маҳсулотларини транспортда ташиб бериш

Хизмати ишлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий талаблар (основной требования)	Асосий маълумот ва талаблар (основной информация и требования)
1.	Бюртмачи (заказчик)	Поп туман Халқ таълими бўлими
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	Тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади.
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта - сум (сум)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари ,, (условия оказания услуг)	Техник топшириқлар миқдорнинг манзилида амалга оширилиши лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
5.	Етказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил август ойининг иккинчи ўн кунлиги
6.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	бюджет
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.